

"Тасдиқлайман"  
"Түямуйин гидроузелидан фойдаланиш  
бошқармаси" бөш мухандиси  
З.Б.Довлатов



*"Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Түямўйин сув омборини  
самарали ишлатиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши" бўйича  
энг яхши таклифларни танлаб олиш учун*

### ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатларининг мазмуни:

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Хужжат предмети
2. Ташкилотчи (буюртмачи)
3. Иштирокчилар
4. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар
5. Энг яхши таклифларни танлаш жараёнини ташкил этиш тили
6. Таклифлар ва уларни расмийлаштириш тартиби
7. Хисоб-китоб килиш тартиби
8. Таклифларни бахолаш мезонлари
9. Бошка шартлар
10. Шартномалар тузиш
11. Шартнома шартлари

## УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

*“Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямўйин сув омборини самарали ишлатиши бўйича тавсиялар ишилаб чиқиши”* бўйича энг мукобил таклифларни олиш учун танлов ўтказиш ва иштирок этиш тартибини белгилайди.

Ушбу хужжатда қўйидаги тушунчалар қўлланилади:

**Буюртмачи** – Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси.

**Энг яхши таклифларни танлаш** - харид килиш тартиб-таомилларининг бир нечта иштирокчисидан олинган таклифларни таққослаш асосида давлат харидларини амалга оширишнинг рақобатли усули;

**Эълон** - давлат харидларини амалга ошириш усули, талаблари ва шартлари, таклифларни тақдим этиш муддатлари хамда тартиби кўрсатилган, маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида давлат буюртмачиси томонидан жойлаштириладиган бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги ахборот;

**Таклиф** - мазкур танлов хужжатларида белгиланган талаблар асосида тайёрланган хамда Танлов Комиссиясига тақдим этилган тижорат таклифи;

**Иштирокчи** - мазкур танлов хужжатларида белгиланган талаблар асосида таклифини тақдим этган жисмоний ёки юридик шахс;

**Иштирокчининг вакили** - танлов иштирокчиси томонидан берилган ишончнома асосида таклиф бериш хукукига эга бўлган ваколатли шахс. Иштирокчининг вакили фукаролик паспорти билан қатнашиши шарт;

**Фолиб** - тартиб-таомиллари якунларига кўра таклифи энг мақбул деб топилган тартиб-таомиллари иштирокчиси.

### 1. ХУЖЖАТ ПРЕДМЕТИ

*“Амударёда сув сарфининг камайиши таъсирида Туямўйин сув омборини самарали ишлатиши бўйича тавсиялар ишилаб чиқиши”* бўйича энг мукобил таклифларни олишдан иборат.

#### 1.1. Танлов валютаси.

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун нархлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (сўм) да акс эттирилиши зарур.

#### 1.2. Танловнинг максимал нархи.

Таклиф этилаётган хизматни бажариш учун таклиф этилаётган нарх Буюртмачи белгилаган 100 000 000 (Юз миллион) сўмдан ортик бўлиши мумкин эмас.

### 2. ТАШКИЛОТЧИ (БУЮРМАЧИ)

#### 2.1 Танловни ташкил этувчи (кейинги ўринларда - Буюртмачи):

“Туямўйин гидроузелидан фойдаланиш бошқармаси” Хоразм вилояти Тупрокқалъа тумани Мухаббат маҳалласи.тел 62-30-54-906,

Маъсул шахс: И.Ибрагимов тел: 998-99-962-19-93

## **2.2. Танловни ўтказувчи.**

Танлов, Буюртмачи томонидан тузилган, беш нафар аъзодан иборат Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

## **3. ИШТИРОКЧИЛАР**

### **3.1. Танловда иштирок этиши.**

Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

А) Танловда иштирок этиш учун, танлов иштирокчиси қуидагиларни амалга ошириш лозим:

- Танлов шартлари билан танишиш учун маҳсус ахборот порталаида жойлаштирилган танлов хужжатларининг электрон нусхасини олиш (кўчириш);
- танлов хужжатлар шартларига мувофиқ танлов хужжатларини электрон топшириш.

Б) Қуидаги иштирокчиларнинг танловда қатнашишига йўл қўйилмайди:

- кайта ташкил қилиниш, тугалланиш ёки банкротлик босқичини бошидан кечираётган;
- "Буюртмачи" билан судда ёки қакамлик судида тортишаётган;
- Ноҳалол ижро чиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- Соликлар ва бошка мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлиги бор;
- имтиёзли Солик режимини берувчи ва/ёки молиявий амалиётларни ўтказишида маълумотларни ошкор қилиш ва беришни кўзда тутмайдиган давлатлар ёки худудларда (оффшор зоналар) рўйхатдан ўтган ва банк хисоб рақамларига эга бўлган.

В) Буюртмача қуидаги ҳолларда иштирокчини харид қилиш таомилида иштирок этишдан четлаштиради:

- у тўғрисида инсофсиз ижро чиларнинг ягона реестрида қайд мавжуд бўлса;
- Унда Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлса;
- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган бўлса;
- иштирокчи харид қилиш хужжатларининг малака, техник ва тижорат талабларига жавоб бермаса;

• иштирокчи давлат харидлари жараёнда давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир ҳатти-харакатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг таъсир ўтказиши максадида давлат буюртмачисининг ёки бошча давлат органининг исталган хозирги ёки собик мансабдор шахсига ёки ходимига хар кандай шаклдаги хакни, ишга ёллаш тугрисидаги таклифни ёхуд исталган бошка қимматбаҳо ашёни ёки хизматни бевосита ёхуд бевосита таклиф килса, берса ёки беришга розилик билдиrsa;

• иштирокчи рақобатга карши харакатларни содир этса ёки конунчиликни бузган холда манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқарса, шунингдек, аффилланганлик ҳоллари аниқланса.

## **4. ШТИРОКЧИЛАРГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

### **4.1. Қуидаги талабларга жавоб бермайдиган иштирокчилар танловга қуийлмайди:**

Иштирокчилар қуидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошка ресурсларнинг мавжудлиги;

- шартнома тузиш учун конуний хукуқка эгалик;
- Соликлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;
- ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

#### **4.2. Танлов гарови:**

Танлов иштирокчиси танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш учун таклиф этилаётган максимал нархининг 1% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

Агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашни бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса унда гаров сумма буюртмачи хисобига ўтиб кетади.

### **5. ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЛИ**

#### **5.1. Таклиф ва шартнома тили**

Танлов таклифи, иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган у билан боғлиқ бўлган барча ёзишмалар: Хужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.

#### **5.2. Танлов шакли**

Танлов Электрон шаклда <https://etender.uzex.uz/> платформаси оркали ташкил этилади.

### **6. ТАКЛИФ ЛАР ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

#### **6.1. Таклифларни тайёрлаш.**

Танлаш иштирокчisi тақдим этилаётган ахборот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади.

Танлаш иштирокчisi факат битта тақлиф беришга хакли

Танлаш учун тақлифларни қабул килиш маҳсус ахборот портали оркали давлат харидларининг электрон тизимида чоп этилган эълонда кўрсатилган муддат келиши билан тугатилади.

#### **6.2. Таклифларни тақдим этиш**

порта́лда эълон килинган танлов иштирокчилари, ўз тақлифларини <https://etender.uzex.uz/> платформаси оркали ўрнатилган тартибда электрон шаклда юбориши шарт.

#### **6.3. Танлов иштирокчisinинг масъулияти.**

танлов иштирокчisi:

- тақдим килинаётган маълумотлар ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлилиги учун масъул хисобланади.

#### **6.4. Таклифларни таъминлаш.**

танлов иштирокчisi танловда иштирок этиш учун хизматни бажариш бўйича тақлиф этилаётган максимал нархининг 1% гаров сифатида тақдим этиши лозим.

агарда танлов асосида ғолиб 10 иш кун ичида буюртмачи билан шартнома имзолашдан бош тортса ва буюрмачининг шартномасидаги талабларини қабул қилмаса, унда гаров сумма буюртмачи хисобига ўтиб кетади.

Танловнинг нархга оид қисми маълумотлари.

танлов тақлифи танлов щартларига мос булган ва куйидаги маълумотларни камраб олувчи нархга оид қисмдан ташкил топади: хизматнинг номланиши, хизмат кўрсатиш қиймати, якуний сумма тўлов шартлари, тақлифнинг амал килиши муддати ва х.з.

### **7. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ**

#### **7.1. Хизматлар учун тulos Буюртмачи тамонидан куйидаги тартибда амалга оширилади:**

Шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Шартнома кийматининг камида 30% микдорида аванс тўлаб берилади.

Қолган тўлов топшириш-қабул килиш хисоб-факутура тасдиқланганидан сунг 5 банк купи ичида Ижрочининг жорий хисобварағига пул маблагларини утказиш нули билан амалга оширилади.

### **8. ТАКЛИФЛАРИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ**

#### **8.1. Таклиф Конун, карор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб берса, тегишли тарзда расмийлаштирилган, деб хисобланади.**

Харид комиссияси таклифни берган танлов иштирокчиси Конун, карор ва танлов хужжатлари талабларига жавоб бермаса ёки танлов иштирокчисининг таклифи танлов хужжатлари талабларига мос булмаса, таклифни рад этади.

Танлов таклифларини баҳолаш жараённида харид комиссияси танлов иштирокчиларидан Уларнинг танлов таклифлари буйича тушунтиришлар сўраб олишга хакли. Ушбу таомил расмий равишда, ёзма шаклда танлов иштирокчилари оркали утказилади. Тушунтириш жараённида таклифнинг мазмуни, шунингдек, нархи буйича бирон-бир узгартериш киритилишига йул куйилмайди.

Танлов хужжатлари ва таклифларида курсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш буйича энг яхши шартларни таклиф килган **танлов иштирокчиси ғолиби деб топилади**

**8.2. Арифметик ёки бошка хатолар** мавжуд булган тақдирда танлов комиссияси, бу хакда танлов иштирокчини хабардор килгани холда, танлов таклифини рад этишга ёки уларни келгусида куриб чикиш буйича бошка шартларни белгилашга хакли.

**8.3.** Таклифларни куриб чикиш ва баҳолашни тақлифларни кўриб чиқиш ва баҳолашни қайд қилиш электрон баённомасида қайд қилинади.

**8.4. Таклифларни куриб чикиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси** танлов комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кучирма у имзоланган кундан бошлаб икки иш купи ичидаги маҳсус ахборот Порталаидаги этилади.

Таклифларни куриб чикиш ва баҳолашни қайд қилиш баённомаси эълон килинганидан сунг танловнинг хар кандай иштирокчиси буюртмачига танлов натижаларини тушунтириш буйича сурʼов юборишга хакли. Бундай сурʼов келиб тушган пайтдан бошлаб икки иш купи давомида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришпар беришга мажбур.

#### **8.5. Қўйилган талабларнинг ўлчов мезони:**

-Танлов иштирокчилари юридик шахс сифатида давлат реестридан рўйхатдан ўтган бўлиши шарт;

-Танлов иштирокчи тўғрисидаги умумий ахборот (Таъсисчи раҳбарнинг паспорт, устав, гувоҳнома нусхалар),

-Шартнома тузиш бўйича қонуний хуқуқга эгалиги;

-Соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорлик йўклиги;

-Уларга нисбатан банкротлик таомили йўклиги;

-Ноҳалол ижрочиларнинг ягона реестида улар ҳақида қайднинг мавжуд эмаслиги;

-Иштирокчилар ишларни, товарларни бажариш (хизмат қўрсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби обеъктлар хужжатларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш бўйича тажриба ва кўнкимага, шартномани тузиш пайтида фукаролик-хуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак;

-Давлат солик инспекцияга берилган ишчиларнинг даромад ва ижтимоий тўлов хисоботидан нусха.

-Бажариладиган ишлар кафолати ва тақлиф этилаётган нарҳи;

-Мавжуд машина ва механизмлар ва бошкалар рўйхати

-Сўнгти бир йилда амалга оширган камидаги 1 та лойихани тақдим этиш.

-Техник топшириқда келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бериши;

Умумий балл киймати 100 балл, танловда катнашиш учун минимал 60 балл туплаши зарур.

**8.6. Танловда ғолиб 8.5 бандда белгиланган мезонлар бўйича** энг яхши тақлиф берган хисобланади ҳамда электрон, тарзида аниқланади.

### **9. БОШҚА ШАРТЛАР**

**9.1.** Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов ҳақида тушунтиришлар олиш учун ишчи органга мурожаат қилишга хакли.

**9.2.** Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов ўтказилиши ҳақидаги эълонда келтирилган шаклдаги танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш ҳақида сўров юборишга ҳақли.

**9.3.** Ушбу сўров буюртмачига таклифлар берилиши якунланиши санасидан камида икки кун аввал келиб тушган тақдирда, буюртмачи кўрсатилган суров келиб тушган санадан бошлаб икки иш куни давомида белгиланган шаклда танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар юборишга мажбур

**9.4.** Танлов хужжатлари қоидалари бўйича тушунтиришлар унинг мазмунига зид булмаслиги керак.

**9.5.** Куйидаги холларда харид комиссияси танловни бўлиб ўтмаган деб эълон килиши мумкин:

- танловда битта иштирокчи иштирок этган ёки хеч ким иштирок этмаган тақдирда;

- таклифларни кўриб чиқиши якунлари бўйича харид комиссияси барча таклифларни танлов хужжатлари талабларига мос эмаслиги туфайли рад этган тақдирда.

**9.6.** Голиб чиккан таклиф акцептигача буюртмачи исталган пайтда танловни бекор килиши мумкин. Танлов бекор килинган тақдирда буюртмачи маҳсус ахборот порталида бундай карорнинг асосли сабабларини чоп этади.

## 10. Шартномалар тузиш

**10.1.** Танлов натижаларга кўра, танловда голиб деб саналган ташкилот билан буюртмачи шартнома танловда куйилган шартнома нусхасида ёзилган шартлар асосида тузилади.

**10.2.** Харид комиссияси томонидан голиб деб топилган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли ёзма хабарнома олади ва З иш кунида шартнома имзоланади.

**10.3.** Танлов голиби танлов шартлари бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, шартнома тузиш хукуки захирадаги ижрочига ўтади. Бунда захирадаги ижрочи танлов голиби таклиф қилган нархларда шартнома тузиши ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

## 11. Шартнома шартлари

**11.1.** Шартнома Буюртмаси ва Танлов голиби ўртасида икки нусхада тузилади.

**11.2.** Шарномада курсатилган нарх энг охирги нарх бўлиши камда шартноманинг амал килиш муддати тугагунта кадар ўзгармаслиги керак.

**11.3.** Шартнома шартлари буюртмачининг шартнома намунасида кўрсатилиб ўтилган.

**11.4.** Шартномани амалга ошириш жараённида юзага келадиган низолар музокаралар йўли билан хал этилмаган тақдирда, томонлар Туманлараро, туман (шахар) идтисодий судларига мурожаат килишлари керак.

### Ишлаб чиқди:

Ишлаб чиқариш ва таъминот бўйича бош мухандиси в.в.б:

Бош иқтисодчи:

И.Ибрагимов

А. Машарипов